

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

TASANNO!

ИЛМ БАҲСИДАН ОЛТИ МЕДАЛЬ БИЛАН

Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиада якунланди



Баллар сарҳисоби бўйича, физикадан Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Умиджон Ҳафизов, астрономиядан Бишкек шаҳридаги физика-математика фанларига ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси

Ирискедди Анарбеков 1-уринга сазовор бўлди. Умумий ҳисобда юртимиз вакиллари 6 та, қозғистонликлар 5 та, қирғизистонликлар 3 та ва Туркманистон жамоаси 1 та медални қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз,

Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиада ҳар икки йилда анъанавий тарзда ўтказилади. Ҳалилар олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

XORIJDAN DARAKLAR

ХИТОЙДА ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ БОҒЛАНДИ



Хитой Халқ Республикасининг Даянь шаҳрида Умумжаҳон маданият фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 22 мамлакатидан вакиллар қатнашди. Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Хитойдаги қирқ нафар аъзоси юртимиз павильонидан миллий либослар, таом

ва ширинликларни намойиш этди. Тарихий шаҳарларимиз, ҳар бир ҳудудга хос урф-одат ва анъаналар ҳақида ҳам маълумот берилиб, эсдалик совгалар улашди. «Андижон полькаси» ва «Хоразм лагзиси» барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Фестиваль ўзбекистон-

лик талабаларга бошқа давлатлардан келган тенгдошлари билан дўстлик ришталарини боғлаш имконини берди.

Муниса НУРМАТОВА,
Ўзбекистон ёшлари
умумжаҳон
ассоциациясининг
Хитойдаги вакили

ЁШЛАР КУНИГА

4
КУН ҚОЛДИ

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг тўрт ойлик қайта тайёрлов курсларида Иттифоқ тавсияномаси асосида 56 нафар йигит-қиз таҳсил олди. Улардан 18 нафари раҳбар лавозимларига тайинланди.

ESHITDINGIZMI?

ЁШЛАР ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИ

Фарғонада ишга тушади

Инновацион ривожланиш вазириликнинг мазкур ташаббусни водийдаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширмоқчи.

Янги марказда ёшларга халқаро ва маҳаллий илмий-техник ахборот манбалари, махсус наشرлардан фойдаланиш имконини яратилади.



РОССИЯЛИКЛАР ЎЗБЕК ТАОМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ



Шу мақсадда юртимиз элчихонаси Россия Федерациясида махсус танлов эълон қилган. Уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари жонбозлик кўрсатмоқда.

БОКУДА МАХСУС ДЎКОН ОЧИЛДИ



«Хунарманда» уюшмаси сайёҳаракати билан Озарбайжон пойтахтида миллий хунармандчилик махсус дўкони сотишни ташкил қилди. Шу мақсадда Бокудаги энг машҳур ва

гавжум объектлардан бири — «Park Bulvar» савдо-дам олиш марказида махсус дўкон фаолияти йўлга қўйилган. Унда ўзбек миллий қўлқилиги, қандакорлик ва миниатюра санъати намуналари, атлас, адрас, беқасам матолари, зардўзлик буюмлари, сўзаналар, ёғочга уйма нақшлар солиб ишланган кутичалар, қўғирчоқларни сотиб олиш мумкин.

Ўз ахборотимиз.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ» РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Жорий йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг янги мажлисида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Резолюциянинг қабул қилиниши Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси ҳисобланади. Ўзбекистон раҳбари ўз чиқишида 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги халқаро анжуман ўтказили-

шини маълум қилиб, унинг якунлари бўйича Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди.

Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлақати ушбу резолюция ҳаммуаллифлари бўлди. Улар орасида Австралия, Австрия, Афғонистон, Беларусь, Германия, Италия, Ҳиндистон, Индонезия, Канада, Нигерия, Норвегия, БАА, Корея Республикаси, Сингапур, Туркия, Швейцария, Эквадор ва бошқа мамлакатлар бор. Ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашувларда Марказий Осиёнинг барча етакчи ҳамкор давлатлари, жумладан, Россия, ХХР, АҚШ ва ЕИ мамлакатлари фаол ва конструктив тарзда иштирок этди.

Резолюцияда Марка-

зий Осиё давлатларининг минтақадан тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муҳим роли эътироф этилади. Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва тараққиёт соҳаларидаги минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида қайд этилади.

Ҳужжатда Бош Ассамблея минтақадан мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган сайёҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш баён этилади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ташкил қилиш бўйича ташаббуслари минтақа доирасида қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, резолюция бундай маслаҳатлашувлар платформасидан

минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлида самарали фойдаланишга даъват этади. Ҳужжатда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк саммити ўтказилгани эътироф этилади.

Резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва иттимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақадан замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилади.

Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ижти-

моий-иқтисодий тараққиётга қўмаклашишга қаратилган биргаликдаги сайёҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамлакатда тинчлик ва муроСага эришиш мақсадида жорий йил март ойида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг аҳамияти қайд этилади.

Резолюция халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тизимлари иختисослашган муассасалар, жамғарма ва дастурларни минтақа мамлакатлари томонидан кўзда тутилаётган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъқуланishi ва қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юритаётган очик, оқилона ва конструктив

ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланди мулақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва анъаналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция Марказий Осиёни ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақа тараққиёти ва унинг кўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъминлашга қодир яхлит жипслашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент, 2018 йил 23 июнь

«МАКСАМ ЧИРЧИҚ» — МЕГА СПОРТ ҒОЛИБИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида «Биз чемпион» шiori остида анъанавий «Мега спорт» мусобақаси ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Жисмоний тарбия ва спорт, Соғлиқни сақлаш вазириликлари, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил

этилган тадбирда 14 жамоа йўл тўсиғидан ўтиш бўйича ўзаро баҳслашди. — Мусобақа корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи У.Ражабов. — Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, бу орқали фаолият

самарадорлигига эришиш каби мақсадларга қаратилган мусобақада иштирокчилар жамоавий ҳамда индивидуал ҳолда ғолиблик учун куч синашди.

Тошкент вилоятининг «Максам Чирчиқ» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Сирдарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси жамоаси иккинчи ва Қашқадарё вилоятидаги «Дехқонobod калийли ўғитлар заводи» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар махсус диплом ва эсдалик совгалар билан тақдирланди.

А.ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА муҳбири

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

301 ТАҚДИР ЎНГЛАНДИ



Ёшлар пресс-клубида «Ёшлар келажак кунига ривож қилишнинг бошланғичи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди

301 ТАҚДИР ЎНГЛАНДИ

Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи мутахассислари, ташкилот қафиллиги остида озодликка чиққан ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда вояга етмаганлар оиласидаги носоглом ижтимоий муҳит ҳамда ҳуқуқий онги тулик шаклланишига тўғриватган таъминоти тўғрисида ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Инсон ёмон бўлиб дунёга келмайди, — дейди кенгаш раиси Баҳромжон Илҳомжонов. — Биров ижтимоий муҳит таъсирида, кимдир эса,

калтабинлиги, ёрлиги сабаб жиноят қўчасига кириб қолиши мумкин. 2017 йил 5 декабрда Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўртасида имзоланган меморандумга кўра, "Иттифоқ қафиллиги остида" лойиҳаси йўлга қўйилган эди. Натيجида шу кунгача қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 301 нафар йигит-қиз суд залида озод этилиб, яқинлари бағрига қайтарилди. Ушбу ёшлар Иттифоқнинг доимий назоратида бўлиб, бандлиги таъминланмоқда.

Тадбирда уларга ҳам сўз берилди. Микрофон қаршисига келган ота-оналар эса, кўзида ёш билан фарзанд тарбиясига етарлича эътибор бермаганини афсус-надомат билан тан олди ва бундан буюн хушёр бўлишини айтиб, Ёшлар иттифоқига самимий миннатдорлигини билдирди.



— Бир куни ўртоқларим машинада кўшни туманга бориб келишни илтимос қилди, — дейди фарғоналик Азизжон Тошпўлатов. — Сафардан мақсад нелгини билмасдим. Манзилга яқинлашганимизда "Сен уловда ўтириб тур, биз тез чиқамиз", деб юзларига махсус ниқоб тортиди. Шундагина уларнинг мудоасини аниқладим. Аммо нафсим ҳақалак отиб, ўғриларга қандай қилиб шерик бўлиб қолганимни билмайман. Уша шум қалам бошимга кўп саволлар солади. Хайриятки, Иттифоқ бор экан — ота-онам бағрига қайтдим. Энди фақат ҳалол яшайман, деб ўзимга-ўзим ваъда берганман.

Санжар ЭШМУРОВА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош Ассамблеяси

18 июнь 2018 йил

Етмиш иккинчи сессия

Кун тартибининг 65-банди

Тинчликни барпо этиш ва тинчликни асраш

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон: резолюция лойиҳаси

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Бош Ассамблея, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш борасидаги муҳим ролини тан олган ҳолда,

Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини ва Ашхобод декларациясини амалга ошириш бўйича биринчи минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва радиоактив чиқиндилар қолдиқларидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни — «уран қолдиқлари омборхоналари»нинг бартараф этиши,

д) 2018 — 2028 йиллар даврини «Сув барқарор тараққиёт учун» халқаро ўн йиллиги деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва энергетик ресурсларнинг ишончли ва барқарор транзитини, жумладан, мавжуд минтақавий энергетика лойиҳаларини самарали амалга оширган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит коридорларини қўллаб-қувватлашнинг барқарор, рентабелли инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, авиа йўналишлар очиб орқали транспорт ва транзит масалалари бўйича Марказий Осиёни қамраб олувчи битимларни амалга ошириш баробарида транспортнинг барча турлари бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш,

з) экотизимлар, биохимия-хиллик ҳамда флора ва фаунанинг энг муҳим турлари ҳимояси таъминланишини қайд этган,

Мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини ва Ашхобод декларациясини амалга ошириш бўйича биринчи минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва радиоактив чиқиндилар қолдиқларидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни — «уран қолдиқлари омборхоналари»нинг бартараф этиши,

д) 2018 — 2028 йиллар даврини «Сув барқарор тараққиёт учун» халқаро ўн йиллиги деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва энергетик ресурсларнинг ишончли ва барқарор транзитини, жумладан, мавжуд минтақавий энергетика лойиҳаларини самарали амалга оширган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит коридорларини қўллаб-қувватлашнинг барқарор, рентабелли инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, авиа йўналишлар очиб орқали транспорт ва транзит масалалари бўйича Марказий Осиёни қамраб олувчи битимларни амалга ошириш баробарида транспортнинг барча турлари бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш,

з) экотизимлар, биохимия-хиллик ҳамда флора ва фаунанинг энг муҳим турлари ҳимояси таъминланишини қайд этган,

Мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

Мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини ва Ашхобод декларациясини амалга ошириш бўйича биринчи минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва радиоактив чиқиндилар қолдиқларидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни — «уран қолдиқлари омборхоналари»нинг бартараф этиши,

д) 2018 — 2028 йиллар даврини «Сув барқарор тараққиёт учун» халқаро ўн йиллиги деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва энергетик ресурсларнинг ишончли ва барқарор транзитини, жумладан, мавжуд минтақавий энергетика лойиҳаларини самарали амалга оширган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит коридорларини қўллаб-қувватлашнинг барқарор, рентабелли инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, авиа йўналишлар очиб орқали транспорт ва транзит масалалари бўйича Марказий Осиёни қамраб олувчи битимларни амалга ошириш баробарида транспортнинг барча турлари бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш,

з) экотизимлар, биохимия-хиллик ҳамда флора ва фаунанинг энг муҳим турлари ҳимояси таъминланишини қайд этган,

Мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

Мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини ва Ашхобод декларациясини амалга ошириш бўйича биринчи минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва радиоактив чиқиндилар қолдиқларидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни — «уран қолдиқлари омборхоналари»нинг бартараф этиши,

д) 2018 — 2028 йиллар даврини «Сув барқарор тараққиёт учун» халқаро ўн йиллиги деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва энергетик ресурсларнинг ишончли ва барқарор транзитини, жумладан, мавжуд минтақавий энергетика лойиҳаларини самарали амалга оширган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит коридорларини қўллаб-қувватлашнинг барқарор, рентабелли инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, авиа йўналишлар очиб орқали транспорт ва транзит масалалари бўйича Марказий Осиёни қамраб олувчи битимларни амалга ошириш баробарида транспортнинг барча турлари бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш,

з) экотизимлар, биохимия-хиллик ҳамда флора ва фаунанинг энг муҳим турлари ҳимояси таъминланишини қайд этган,

Мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низомни қондаларига амал қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари дунё келаётган замонвий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб, Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан ҳоли бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришилган асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар кунини, деб эълон қилиниши,

MUNOSABAT

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МЕЗОН

Зухридин АБДУСАТТОВА

Инсон борки, фарзандлари камолини кўриш истагида яшайди. Уларнинг иқболи порлоқ бўлиши учун эса, оилада нафақат соғлом маънавий муҳит, балки иқтисодий барқарорлик ҳам ҳукм сурмоғи даркор. Бу борада юртимизда тизимли ислохотлар олиб борилаётган.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади". Ҳақиқатан шундай. Жорий йилнинг 7 июнида давлатимиз раҳбари имзолаган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарор шу йўлда ташланган залворли қадам бўлди.

Ҳужжатга мувофиқ, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир


ҳудудларда аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур доирасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган юртадошларимизга имтиёзли кредитлар ажратилади ҳамда уларга мутасадди идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилади, маслаҳатлар берилади. Бу эса, айниқса, мустақил ҳаёт бугунда турган ёшлар учун айтиш мумкин.

Қарорда қишлоқ ва маҳаллаларда мини-кластерлар ташкил этиш ҳам белгиланган. Шу аснода тажрибали тадбиркорлар ўз бизнесини бошлаётган оилаларга бириктирилади. Шунингдек, "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари" мавзусидаги ўқув

машғулотларига жалб қилинади. Бизнес режалар тузишни ўрганади. Бир сўз билан айтганда, улар кимдан ёрдам, маслаҳат сўрашни, қайси эшикка киришни билмай, овора-сарсон бўлиб қолмайди.

Дастур доирасида тузиладиган махсус ишчи гуруҳи ички ҳамда ташқи бозорни доимий равишда ўрганиб, талабгар маҳсулотлар турлари ва ҳажми юзасидан маълумотлар туплайди. Бу руҳият ҳар ойда янгилашиб, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали аҳолига мунтазам равишда етказилади. Натيجида тадбиркор ишлаб чиқарадиган маҳсулотини соғина қийинчиликка дуч келмайди.

Бозорни ўрганиш ташвишидан ҳам қутулади. Шу билан бирга, бозорларимизни сифатли товарлар билан бойитиш имконияти кенгайди.



бошқа маҳаллаларда ҳам очилмоқда. — Айнан маҳаллаларга кириб борганимиз бежиз эмас, — дейди О.Каримов. — Боиси бу ерда кимнинг қандай муаммоси борлигини билиш қийин эмас. Уйлайманки, ташаббусимиз ёшларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришда асқотади.

TASHABBUS

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Анджон шаҳрининг "Бунёдкор" маҳалласида Ёшлар қабулхонаси ташкил этилади

Абдужалил АБДУРАҲИМОВ

Ташаббус Ёшлар иттифоқининг Анджон банк коллежидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Озодбек Қаримовдан чиққан. Муассасада ёшларнинг

муаммо ва камчиликларини ўрганиб, тури соҳалар мутахассислари томонидан йўл-йўриқ ва тавсиялар берилади. Айни пайтда Ёшлар қабулхоналари вилоятдаги

ITTIFOQ MENING TAQDIRIMDA

БОШИМ КЎККА ЕТДИ

Исаом АСИЛБЕКОВ, Республика ёш иждоқорлар кенгаши мутахассиси

Болалигимдан шер ёзишни машқ қиламан. Ижодий ишларим тури нашлашда эълон қилинган. Мақтабни аъло баҳоларга тамомлаб, олий ўқув юртига кириш учун пойтахтга йўл олдим. Омадими келмади. Бу ҳол қайта-қайта такрорланди. Назаримда, талабалик мен учун орзулигича қоладигандек эди.

Бўш юрмай, ота-онамга фойдам тегсин деб, иш қилардим. Эшик қоқмаган идорам қолмади. Ҳар гал олий маълумотим йўқлигини ваҳ қилиб, шаштиним қайтаравердилар. Ҳамқишлоқларимга қўшилиб, хорижга ишлашга кетишни ҳам ўйладим. Аммо яқинларимнинг тафти, она юртимга садоқат ҳисси йўлимни тўсди. Инсон ҳадеб омадсизлик-

ка учраса, шашту шижоати сўниб борад экан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаш раиси Қаҳрамон Қуранбаев бошчилигидаги республика ишчи гуруҳининг Наманган вилоятига ташрифи ҳаётида туб бурилиш ясади. Ёшлар етакчиси биз билан


BUGUNNING GAPI

ДИЙДАНГ ҚОТМАСИН, ОДАМЗОД!

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Болалик пайтларим... У даврларда йигитлар ҳарбий хизматни кўпинча жўрдан олиб, асосан, Сибирь томонларда ўтарди.

Қишлоғимизда кимнингдир ўғли хизматга кетса ҳам онам раҳматли икки-уч кунгача кўз ёш тўкарди. Ҳаммага жон койитадиган волидам учун одамнинг бегонаси йўқ эди. Мана шу феълдан жуذا ҳайратланардим.



яна ҳеч нарса бўлмагандек уни излаган бу золим кимсани ким деб аташ мумкин.

“Sam so'zani plus” хусусий тиббиёт муассасасида ноқонуний равишда хуфёна туғруқларни амалга ошириб, туғилган чақалоқларни пуллаб кутурган аёл ҳақида ўқиб эса, неча кун ўзимга келолмадим. Мальун аёл сотилмаган гўдакларни музлаткичада сақлаб, давлат тиббиёт мажмуасидаги тиббий чиқиндиларни куйдириш учун мўлжалланган муфелъ печида ёққан. Шифокорлик, инсонийлик шавъига доғ туширган самарқандлик бу аёл кирдиқорлари ҳақида ўқиб, “Нега?!” деган ҳайқириқ

келди ич-ичимдан. Инсон боласи пул учун шунчалик тубанликка борадими?

Ҳа, Александр Дюма-нинг “Граф Монте Кристо” асари қаҳрамони Аббат Фариннинг Эдмон Дантесга: “Бўтам, Ер юзиде ёвузлик ҳеч қачон йўқолмайди”, — деганида жон бор экан-да?! Тарих чархалаги неча бор айланди. Инсоният Освенцим печларида маҳбусларни ёқишга фармон берган кўнғизмўйлов Гитлерни ҳали ҳануз қарғайди. Аёл деган зот наҳотки “Мен дунёга келдим!” деб ингалган чақалоқни музлаткичага солиб, унинг ширингина жонини олса! Давлатимиз бу жаллодни шунинг учун беш-олти йил ўқитди?! Эл қорига яраш ўрнига норасида гўдаклар умрига завоқ етказса. Дийда қаттиқлиги... Ҳайвоний ёвузлик... Йўқ, ҳайвон ҳам қилолмайди бу ёвузликни. Америкадаги ҳайвонот боғларидан бирида она шер етим кийикчани бағрига олганига нима дейсиз?! Ҳазрат Навоий: *Одам борки, одамларнинг нақшидур, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур,* деб бежиз айтмаган экан.

Юқориде айтилган қабиҳликлар илдииз нимага бориб тақалади? Нега кейинги пайтларда айрим одамларнинг дийдаси қотиб борапти, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар содир бўляпти. Бу саволларга жавоб олиш мақсадида Чирчиқ туманлараро суди суъясий Наргиза Ураловани суҳбатга чорладим:

— Фуқаролар орасида юз бераётган жиноят ишларининг бир қанча сабаблари бор. Тарбиядаги озгина нуқсон ҳам кун келиб ўзининг аччиқ мевасини берадики, бу оғу тузатиб бўлмас фожиага келтириб чиқаради. Инсон феъл-атворидаги ҳасадгўйлик, эътиқодсизлик, текинхўрлик, бировнинг ҳақидан қўрқмаслик каби иллатлар, албатта, уни эгри йўлга етаклайди. Шунингдек, ҳалол меҳнатга бўйни ёр

бермай, бировнинг молига кўз тикиш, мол-давлатга муккасидан кетиб, мўмай пулга ружу қўйиш оқибатида турли жиноятлар келиб чиқади. Унутмаслик кераки, юртимизга четдан кириб келаётган жангари, триллер фильмлар ҳам инсонни совуққонлик, шафқатсизликка чақиради.

Бу қабиҳ жиноятлар натижасида, аввало, жабрайлда, қолаверса, унинг яқинлари чеккан азиятларни таърифлашга тил оғиз.

Давлатимиз фарзандларни туғилганидан то кесайганига қадар ғамхўрлик кўрсатса, одамийлик илми сингдириш йўлида қанча ҳаракат, ҳаражат қилса-ю, айрим ғаламис конкўрлар шайтоний ишларга қўл урса!

Кумуш сочларини ўриб тонг отади. Юртимизнинг суҳбидеи бўлакча. Азон товуши деразаларимиздан ошиб, хонадонларимизга имон нуруни ёғдиради. Келинларимиз кўчаларни супуриб, халқимизга ораста йўл очади. Ота-оналар энг яхши тилаклар айтиб, фарзандларини ўқишга, ишга кузатади. Кексаларимиз кўчаларни дуога очиб, барчага инсоф-диёнат, юртимизга тинчлик-хотиржамлик тилайди. Уларнинг дуолари дийдаси тош юракларни эритсин. Аллоҳ ёвуз ниятли инсонлар қалбига ҳам эзгулик, инсоф деб аталмиш неъмат уруғини қадашини сураймиз.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



“PSEARCHER” ҚИЗИҚИШ БИЛДИРДИ

Хитойдаги оммабоп нашрлардан бири — “Psearcher” журналининг махсус сониде “Ўзбекистон — кенг ислохотлар мамлақати” сарлавҳали мақола чоп этилди. Материалда жамиятимиз ҳаётининг турли жаҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритилган. Қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш борасида сўнгги йилларда қилинган ишларга алоҳида урғу берилган.

“NET TV” ЭФИРИДАН ЖОЙ ОЛДИК

Индонезиянинг мазкур телеканали Ўзбекистонда зиёрат туризми ривожланиб бораётганини алоҳида кўрсатув сифатида намойиш этди.

“Muslim Traveler” дастури ижодкорлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, шунингдек, Чимён тоғлари бўйлаб саёҳат қилиб, бир-биридан қизиқарли сюжетлар тайёрлаган. Кўрсатувнинг ҳар бир сонини бир миллиондан зиёд индонезиялик томоша қилгани маълум.

“NHK-WORLD” БЕФАРҚ ЭМАС

“NHK-World” телеканали орқали эфирга узатилган юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги кўрсатув миллионлаб японларга она диёримизни янада яқинроқ танитишга хизмат қилди.

Видеоматериал муаллифлари С.Цукагоши ва Я.Ким ташқи сиёсатини очиклик ва дўстона муносабат тамойилларига асосланиб юриётган Ўзбекистонга бугунги кунда жаҳоннинг турли бурчакларидан кўплаб сайёҳлар ошиқайтганини мамнуният билан эътироф этди. Журналистлар бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлайди.

“CORRIERE DELLA SERA” НИНГ БАҲОСИ ЮҚОРИ

Италиянинг етакчи газетаси — “Corriere Della Sera”да ўзбек халқининг дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келаётган тарихий ва маданий мероси хусусида таҳлилий материал эълон қилинди.

“Хива ва ва Самарқанддан Тошкентга: Осиё “юраги” га саёҳат” деб номланган мақолада кўхна шаҳарларимизнинг жозибаси, асрлар оша сақланиб қолган, узоқ ўтмишдан гувоҳлик берувчи бетакрор осор- атиқалар, ислом маданияти ёдгорликлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

“Дунё” АА материаллари асосида тайёрланди.

ISLOHOT ODIMLARI

МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ КАДРЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

А.ЮСУПОВ

Олий таълим ва илм-фан соҳасини, жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кенг миқёсдаги мақсадли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони таълим ҳамда фани сифат жиҳатдан ривожлантириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш, илмий тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намойиш этиш имкониятларини кенгайтиришга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилолмоқда.

2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий қилиниб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси оид норматив-ҳуқуқий база янгиланди.

Олий аттестация комиссияси низомлари қайта ишланиб, тасдиқланди ва Азия вазириликда рўйхатдан ўтказилди. Бу жараёнда халқаро илгор амалиёт, самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш, диссертация сифати ва самарадорлигини ошириш, имтиҳонлар таркибининг оптималлаштириш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш қабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги рўйхати”, “Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қондалари” ва “Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича усулвий кўрсатмалар” қайта кўриб чиқилиб, сиёсий фанлар тикланиб, исломшунослик фанлари ихтисосликлар рўйхатига киритилди.

Илмий фаолиятни рағбатлантириш учун муҳим илмий янгиликлар олган ва катта аҳамиятга эга бўлган 3 тагача ихтиро патенти муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини диссертация химоясисиз илмий кенгашда презентация асосида бериш тарти-

би жорий қилинди.

Айниқса, муҳим илмий янгиликлар олган ҳамда импакт-фактори тегишли даражада юқори ва рўйхат бўйича халқаро тизимга кирган илмий журналларда керакли миқдорда мақолалар чоп эттирган мутахассисга фалсафа доктори (PhD) ва илмий даражага эга бўлган талабдорга фан доктори (DSc) илмий даражасини диссертация химоясисиз илмий кенгашда презентация асосида бериш тартиби йўлга қўйилди.

Авваллари илмий иш қилиш истагида бўлганлар ихтисосликдан бошқа турли имтиҳонларга ортиқча вақт сарфларди. Бугун эса, буларнинг барига барҳам берилди. Энди ихтисослик ва чет тилидан бошқа барча малакавий имтиҳонлар бекор қилинди. Шу билан бирга, изланувчининг IELTS, TOEFL, CEFR, Test DaF, GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF ва Давлат тест марказининг малакавий сертификатига эга бўлса, чет тили бўйича малакавий имтиҳонни топширишдан озод этилди.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тизими қайта кўриб чиқилиб, диссертациялар химоясининг кескин кўпайиши, экспертиза сифатини ошириш, таълим ва илм-фан соҳаларидаги сифат ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда уларнинг сони 96 тага етказилди.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг 2 поғонали тизимида 758 нафар талабдор, жумладан, 517 нафари фалсафа доктори (PhD) ва 241 нафари фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланди.

2013 йилдан 2017 йилга қадар амалда бўлган тизим шароитида 1 ойда ўрта ҳисобда 9 тадан диссертация химоясисиз ўтказилган бўлса, янги тизим шароитида бир ойда ўрта ҳисобда ойига 84 (933фониз) та илмий иш химоясисиз амалга оширилди.

Илм-фанда олиб борилган ислохотлар натижасида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари бўйича химоя қилинган диссертацияларнинг сифати ва самарадорлиги замонавий талабларга жавоб беради.

Олиб борилаётган бу илмий тадқиқотлар келажакда, албатта, ўз натижаси билан қувонтиради.

MEDIAFORUM

Республика ёшлар маркази Қорақалпоғистон бўлини масида “Ёш журналистлар” тўғраги фаолият кўрсатмоқда. Кунин кеча унинг аъзолари II республика ёш журналистлар медиа форумида иштирок этди.

Сардор БЕКЖОНОВ

ЖУРНАЛИСТНИ МЕҲНАТ ТОВАЙДИ

Форум Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Ўзбекистон

Журналистлари уюмасининг ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Икки кун мобайнида 50 нафардан зиёд йигит-қиз тажрибали мутахассислардан матбуот, телевидение, радио, интернет ва фото журналистикаси, шунингдек, суҳандонлик борасида маҳорат сабоқларини олди.

— Радио журналистикаси менга унча қийин эмасдек туюларди, — дейди форум иштирокчиси Умида Уринбаева. — Ўқув семинарлари тасаввуримни буткул ўзгартарди. Устозлар ёрдамида

ахборот узатаётган репортёр ва бошловчи зиммасидаги масъулият нечоғлиқ катта эканини теран англадим. Журналистни меҳнат товлайди. Энди шу касбнинг моҳир эгаси бўлиш учун тинмай ҳаракат қиламан.

Медиафорум сўнггида иштирокчиларга сертификатлар топширилди. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан байрам концерти ҳам намойиш этилди.

TAJIRIBA

МАВЗУ — ИННОВАЦИЯЛАР

Соҳида САПАЕВА

Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши кластер модели асосида илгор хорижий тажрибани оммалаштириш мақсадида Навоий, Бухоро ва самарқандлик ёш фермерлар учун ўқув курсини ташкил этди.

Лойиҳага ҳар бир ҳудуддан 30 нафардан вакил жалб этилди. Унда, шунингдек, Иттифоқ мутасаддилари, Ёш фермерлар кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари, тадқиқотчи ва олимлар қатнашди.

Тадбир олдидан Навоийда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмаси, мазкур соҳада қўлланила-

ётган илгор тажриба ва эришилаётган ютуқлар акс эттирилган фотосуратлар экспозицияси, баннер ва видеороликлар намойиш этилди. Шундан сўнг ёшлар учта шўъба бўлиниб, фермерлик фаолиятида инновацион технология ва ечимларни татбиқ этиш, хорижий сармоялар иштирокида экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсу-



лотлар ишлаб чиқариш бўйича янги билим ва кўникмаларни эгаллади. Ўқув дастурини муваффақиятли яқунлаганларга махсус сертификатлар топширилди. Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар

Навоий шаҳридаги “Baxt textile”, Навбахор туманидаги “Navbahor textile” ҳамда Қизилтепа туманидаги “Toshrobot textile” масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти билан яқиндан таниди.

PSIXOLOG MASLAHATI



— Абитуриентман. Ҳозирдан давлат имтиҳони ҳақида ўйлаб, ҳаяжонланяпман. Назаримда, бу ҳолат ўша кунни янада кучаяди. Нима қилсам ички хотиржамликка эришаман?

Чарос ИНОҒОМОВА
Самарқанд шохри

Саволга психолог
Ақобир АБДУЛЛАЕВ
жавоб беради:

— Мазкур ҳолат қаттиқ қўрқув ёки асабийлашиш оқибатида юзага келади. Мия толиқиб, баъзи маълумотлар

ёдингиздан кўтарилиши мумкин. Табиийки, бу талабалик остонасида турган йигит-қизлар учун жиддий муаммодир. Аввало, ўзингизни бўш қўйиб, чуқур нафас олинг. Бу машғулот инсон диққатини нафас олишга қаратиш орқали

керакли хотиржамликка эришиш ҳамда ортиқча ўй-фикрлардан халос бўлишга ёрдам беради. Маслаҳатим, имтиҳонни бир байрамдек қабул қилинг. Шунда имтиҳондан, албатта, муваффақиятли ўтасиз.

O'QING, BU QIZIQ!

ФОЗИЛЛАР
УЙИ

Исламбек КАРИМОВ,
Нукус давлат педагогика
институтини талабаси



1714 йилда Хива хонлиги тахтига ўтирган Шерғоziхон нафақат оила ҳукмдор, балки ҳарб ишининг устаси, олим, тадбиркор ва диёнатли шахс сифатида тарихда қолди. Муаррихлар уни "илм-маърифат отаси" деб атагани ҳам бежиз эмас.

Ривоят қилишларича, Шерғоziхон Машҳадни эгаллагач, беш минг асирни Хивага келти-

риб, мадраса бунёд эттиради. 1719 йилда Паҳлавон Маҳмуд мақбараси олдида қуриб битказилган ушбу илму маърифат масканига "Фозиллар уйи" дея ном берилди. Мадрасада туркман элининг буюк шоири Махтумқули тахсил олгани ҳам маълум. Шоир таълимни тамомлагач, шундай мисраларни битган эди:

Макон айлаб уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғоzi.
Ўтказдим баҳор, қиш, ёзингни
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғоzi.
Таниқли қорақалпоқ шоири Ажиниёз ҳам 1840 – 1844 йилларда Шерғоziхон мадрасаси толиби бўлган.

"HAYOT KO'ZGUSI" BILIMDONLIK MASHQLARI

20	1	14	15	3	1	*	10	1	4	2	13	1	3	*	11	13	5	1	-
*	*	*	12	2	*	*	10	9	6	5	1	7	2	12	3	*	4	9	-
1	2	3	6	7	8	11	15	19	20										
							9	10			14						16	21	
										12							18		
											13						17		
1	4	4	11	5	2	*	16	1	7	8	*	5	9	6	2	*	8	2	-
*	7	1	5	*	13	11	6	2	3	2	8	*	19	17	6	1	18	2	-

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar:
1. Matbuot nashrlarimiz yuzaga kelishida ahamiyat kasb etgan, ma'rifatchi Ismoilbek Gaspirali muharrirligida bosilib chiqqan gazeta — 3, 1, 6, 10, 9, 4, 11, 5.
2. O'zbekiston faxriylari gazetasi — 5, 9, 6, 11, 5, 2, 13.
3. O'zbekiston Qahramoni, xalq shoiri Erkin Vohidov qasidasi — 17, 14, 8, 15, 20, 2, 4.
4. Adabiy janr, kichik majoziy hikoya — 4, 1, 12, 1, 7.
5. O'quv qo'llanma — 18, 1, 6, 12, 7, 2, 19.
6. Nashrning azaliy urf-odat va an'analarimiz tiklanayotgan ma'lumotlar yoritilgan rukni — 16,

1, 18, 6, 2, 13, 1, 3.
KROSSVORD. Bo'yiga: 1. Nashri bezatuvchi. 2. Ta'lim-tarbiya rukni. 7. Matbuot nashrlarini targ'ib etuvchi muassasa. 8. She'r satri. 9. Ijodkor ayol. 19. Asar uchun tanlab olingan soha. 20. Ijoddagi ifoda tarzi.
Diagonal bo'yicha o'ngga: 1. Xabar, ogohlik. 3. She'ming to'rt misrali alohida bandi. 5. Qardosh tillardan biri.
Diagonal bo'yicha chapga: 1. Hayotiy dalillar asosidagi asar. 3. Alisher Navoiy "olamdagi eng aziz do'st" ta'rifini berib e'zozlagan manba. 4. She'riy parcha.
Eniga: 4. Sahifa. 6. Nasrning ilk,

xomaki nusxasi. 18. Mukammal lug'at nashri.
"Zanjir" holda: 11. Kundalik nashr. 12. Ijod mahsuli. 13. Biror sohaga oid qo'llanma. 14. Nashr miqdori. 15. Shu gazetaning birinchi soni nashr etilgan kun mamlakatimizda ommaviy axborot vositalari xodimlari bayrami sifatida nishonlanadi. 16. Voqealar davriyligiga ko'ra quyidagi etilgan manba. 17. So'z san'ati.
Yoy bo'yicha: 8. Asarning boshlanish qismi. 10. O'z-o'zini boshqarishga asoslangan tashkilotga mansub nashr.
Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

YOSHLIK ILHOMI

Мақтаниш

Сарвиноз АҲМАДЖОНОВА

Икки болақай бир-бирига мақтаняпти:
— Бизнинг уйда ҳамма соат бешда уйғонади.
— Биз эса, саҳар 4:30 да тураемиз.
— Болалар, туринглар энди, соат ўн бўлди, — дея нариги хонадан Меҳрибонлик уйи тарбиячисининг овози эшитилди.

Оғриқли учрашув

Мен уни ўн етти ёшимда автобусда учратдим. Онам дам унга, дам менга қарар, ниҳоят кўзаларини дераза ортидаги манзарага тикиди-да:
— Шу эди... менга доялик қилган аёл, — деб шивирлади.
Вужудим кўзга айланди. Ўша аёл томон одимладим.
— Қўлингиздан ўзим тушиб кетганимдими? Овозим шунчалик паст чиқдики, у мени эшитмади. Автобус тўхтади ва у бекатда тушиб қолди. Оқсқоланмасликка тиришиб, жойимга қайтдим...

Усмон Азимни ўқиб...

— Шунча йилдан бери кимни кутяпсан ўзи? Оқ отагаи шаҳзоданими?
— Йўқ. Ёмғирда соябон тутмайдиган одамни.

SIZ NIMA DEYSIZ?

Соҳиба ОЛИМЖОНОВА,
ўқитувчи

Кунни кеча бир танишим: "Яқинда барча мактабларда форма жорий қилинар экан. Бунинг нима кераги бор? Маълум қонда-талаблар кераклир, аммо ҳаммани бир хил кийинтириб қўйиш нотўғри-ку", — деди. Бу борадаги фикримни айтдим. Гапимни эшитди-ю, лекин барибир ўзиникини маъқуллаб тураверди. Яна бир шеригим ҳам унинг ёнини олди.

Ўқувчининг формаси бўлсин



Фикримча, мактаб формасини хушламайдиган ота-оналар аслида ортиқча харажат қилгиси йўқ. Уларга қолса, фарзанди кундалик ҳаётда киядиган либоси билан ўқишга ҳам бориб-келаверса. Бундай вазиятда дарсдан қочиб, кўчада тентираб юрган болани назорат қилиш имкони бўлмайди. Агар бола мактаб формасида бўлса, устига-устак, кийимига таълим даргоҳининг рақами ҳам ёзиб қўйилса, саёқ юрганида дарҳол кўзга ташланади. Қолаверса, эғнидаги либос ёки тақинчоғини кўз-кўз қилган болалар манманликка берилиб, бошқаларнинг гафини келтиради. Бу эса, ёшларда ўқиш эмас, кўпроқ пул топиш истагини кучайтириши турган гап.

HAYOT SABOG'I

Йўқотилган стипендия

Талабалikka қадам қўйган пайтларим эди. Сессия жараёнида кимнинг қандайлиги очиқ-ойдин аён бўлади-қолади. Мен ҳам шу асно ўзимга яқин дўстлар орттирдим.

Бир кунни доимгидек, ойнанинг ўртасида стипендия тарқатилади. Хурсанд бўлиб пулларимизни олдик. Сўнг хонамиздан чиқиб, жисмоний тарбия машғулотига кириб кетдик. Дарсдан кейин навоийлик курсдошимиз сумкасини титиб, йиғлай бошлади. Суриштирсак, стипендиясини ўғирлаб кетишибди.
Ҳамма бир-бирига шубҳали қараб қўйдим. Курсдошимиз хонадан ҳеч кимни чиқармай, барчанинг сумкасини текшириб кўриши кераклигини айтди. Роси бўлди. Аммо ҳеч кимдан ортиқча пул чиқмади. Балки спорт залига чиқиб кетган маҳалимиз хонага кимдир киргандир... Лекин нега айнан бир кишиники йўқолган-у, бошқаларники жойида турибди, шунга ҳайрон бўлдик.
— Энди нима қилдим? Ижара ҳақини тўлашим керак! — деди курсдошимиз.
Ушанда ҳар ким стипендиясидан ўн фоизини ажратиб, керакли маблағни йиғиб бергандик. Бундан Рухсоранинг кўнгли роса кўтарилган. Уша воқеа унут бўлиб кетди. Ўқишни ҳам битирдик.
Бир кунни йўлда собиқ курсдошимизни учратиб қолдим. Ногиронлар арава-часида экан... Кўнглим галати

бўлди.
— Ҳалиги навоийлик Рухсора ҳозир қаерда экан? — сўради у умида билан.
— Билмасам. Аммо топса бўлади. Нега сўраяпсан?
— Эҳ, айтишга тилим бормайди... Ёсинглами, биринчи курсда унинг пули йўқолганди. Ушанда пулга зориқиб юргандим. Ўғирлик қилдим! Ҳамманинг сумкасини текширдим, лекин меникини ҳеч ким кўрмади... Хуллас, анча вақт виждон азобида юрдим. Кейин Рухсорага ҳамма гапни айтиб, пулини қайтараман, деб тўрт йилни ўтказдим. Энди эса, кўриб турибсан, жазонини олдим. Айт-чи, Рухсорани топса бўладими? Кечирим сўрамасам, хотиржам бўлолмайман...
Бир неча кундан сўнг унга курсдошимизнинг манзилини тутқаздим...

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Фарзандимнинг тоби қочиб, ўн кун богчага боролмади. Қолирилган кунлар учун ҳам тўлов қилишим керакми?

Диляфрўз ОДИМОВА
Тошкент шаҳри

Саволга ҳуқуқшунос
Сардор ЮСУПОВ жавоб беради:
— Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ

қолирилган кунлар учун тўлов қилинмайди.
Аммо бундан аввал тегишли даволаш-профилактика муассасаси ёки участка шифокоридан боланинг чиндан ҳам касал бўлгани тўғрисида маълумотнома олиш шарт. Қолаверса, ота-онанинг мактабгача таълим муассасаси раҳбарияти номига ёзган аризаси (билдиришномаси) ҳам асос қилиб олинади.
Боланинг бир йилда кўпи билан 60 кун мактабгача таълим муассасасига келмаслигига рухсат берилди.

НАСИЯДАН МЕН ҲАМ КАСАЛ, НАҚДИ БЎЛСА, ЁЙСАН АСАЛ!



Шеър-тасвир муаллифи: Жаҳонгир МИРЗО.

BILASIZMI?



Ўзбекистонда ўсимликлар ўсмайди деган жой йўқ. Уларни текисликдаги қумли чўллалардан тортиб, қорли баланд тоғларгача бўлган турли рельеф ва тупроқ шароитида учратиш мумкин. Ҳаммаси бўлиб эса, диёримизда 166 оилага мансуб 4 минг 500 га яқин ўсимлик тури тарқалган.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЕШЛАР ИТТИҒОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-4776
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Қамолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриёв, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Абдуллаев Хуршид
Ўқтамжонович
Норбоев Жамолитдин
Жуманазар ўгли

Навбатчи
Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиш таҳрирнинг рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда chop этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда

Буқорғма Г-636
Адали — 21676

Босишга тошириш вақти — 21.00
Тоширишда — 00.35
УшА нуҳуи — 21.47

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Объект усулда босилган.